

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг
Қонунчилик палатаси

Фан, та'лим, маданият
ва спорт масалалари

Қ О М И Т А С И



Законодательная палата
Олий Мажлиса
Республики Узбекистан
КОМИТЕТ

по вопросам науки,
образования, культуры и спорта

100035, Tashkent sh.

100035, г. Ташкент

№ 04/5-02-КК-21

«11» 09. 2020 у. г.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг
Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида
«Mening fikrim» веб портали орқали йўлланган 9-май – «Хотира ва
кадрлаш кунини «Ғалаба ва хотира кунини»га ўзгартириш ҳақида»ги
электрон жамоавий мурожаатини кўриб чиқиш натижалари
тўғрисидаги
ҚАРОРИ

Маълумки, жорий йилнинг 6 август кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан «Mening fikrim» веб порталида 10 000дан ортиқ овоз тўплаган 9-май – «Хотира ва кадрлаш кунини «Ғалаба ва хотира кунини»га ўзгартириш ҳақида»ги электрон жамоавий мурожаатини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 2 февралдаги № 2310-III/КҚ-503-III-сонли Қўшма қарори билан тасдиқланган «Mening fikrim» веб-портали орқали электрон жамоавий мурожаат қилиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 32-бандига мувофиқ Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш таклифи берилган эди.

Мазкур электрон мурожаатда кўзда тутилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан апрофлича ўрганиб чиқилди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, 1999 йилнинг 2 март кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган «9 майни Хотира ва Кадрлаш кунини деб эълон қилиш тўғрисида»ги ПФ-2243-сонли Фармонига мувофиқ мазкур кунни нафақат Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашиб ҳалок бўлганларнинг хотирасига бағишлаб нишонлашни балки Ватанимиз мустақиллиги учун жонини, бор куч-қувватини аямаган Ўзбекистоннинг барча ўғлонлари хотирасини абадийлаштиришга қаратилгани, давлатимиз томонидан улар хотираси ва кадр-қимматига юксак эҳтиром кўрсатилишини англатади.

Биобарин, қарийб 20 йилдан ортиқ давр мобайнида мазкур санада халқимиз нафақат фашизмга қарши курашда иштирок этган ота-боболаримизнинг руҳи хотирланибгина қолмай, балки Ватанимиз тинчлиги ва сарҳадларининг дахлсизлиги йўлида ўз жонини фидо қилган халқимиз вакиллари хотирлаш орқали уларнинг руҳи қадрланади. Бугунги кунга келиб ушбу кунни халқимиз барча ёши улуғларини, уруш ҳамда меҳнат фахрийларини ҳолидан хабар олишлик сифатида нишонлаш қадрият тусига айланиб улгурди.

Бир сўз билан айтганда, халқимизда «хотира – абадий, қадр–қиммат эса муқаддасдир». Биз ғалаба орқали ўтганларни хотирласак, бугунги кун тинчлиги йўлида ўз жонини фидо қилганларни қадрлаймиз. Бу каби тушунчалар юртимизда «ғалаба» тушунчасидан кўра кенгрок аҳамият касб этади.

Том маънода, мазкур санани умумхалқ байрами сифатида юксак маънавий-ахлоқий савияда ўтказиб келиниши урф-одат, халқимизнинг асрий анъанасига айланди.

Шунингдек, кўмита томонидан бу борада «Mening fikrim» веб портали орқали йўллаган бир қатор мурожаат муаллифларининг фикр ва мулоҳазалари ҳам таҳлил қилиниб, инобатга олинди.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни 18-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига асосан Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :


1. «Mening fikrim» веб портали орқали йўлланган 9-май – «Хотира ва қадрлаш кунини «Ғалаба ва хотира куни»га ўзгартириш хақида»ги электрон жамоавий мурожаати юзасидан кўмита аъзоларининг мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда мазкур кунни 9-май – «Хотира ва Қадрлаш куни» сифатида қолдиришни мақсадга мувофиқ деб топилсин.

2. Ушбу Қарор «Mening fikrim» веб порталига жойлаштирилсин.

3. Мазкур Қарорнинг ижросини назоратга олиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси ўринбосари И. Мирзаалиев зиммасига юклатилсин.

4. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Кўмита раиси



Э. Захидов